

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРПОРАТИВ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ВА БУНДА АХБОРОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Расулова Шарифа Ғайбуллаевна

ЖизПИ., Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон республикасида корпоратив молиявий бошқарувни такомиллаштиришда дивиденд сиёсати ва бунда ахборотларнинг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: корпоратив, дивидент, ахборот, молиявий, менежмент, бошқарув, инвестор, компаниялар.

Annotation. The article covers dividend policy and the importance of information in improving corporate financial management in the Republic of Uzbekistan .


Keywords: corporate, dividend, information, Financial, Management, Management, investor, companies.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг ривожланиши билан корпоратив муносабатлар маданияти - акциядорлар, менежмент, кадрлар ва жамиятнинг ўзаро муносабати масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш иқтисодиётнинг барча соҳаларига, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сармоядорлар томонидан инвестициялар оқимини кўпайтириш учун зарур бўлган муҳим чора ҳисобланади. Бу эса акциядорлар билан муносабатларни бошқариш тизимини такомиллаштириш механизминини талаб қилади. Ушбу йўналишни амалга оширишнинг асосий вазифаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларидан бири сифатида акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Маълумки, акциядорлик жамиятлари миллий ва халқаро бозорлар учун

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши, ушбу бозорларда ўз ўрнига эга бўлиши ва белгиланган мақсадларга изчиллик билан эришиши учун уларда замонавий корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш ҳамда миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда замонавий корпоратив бошқарувни ташкил этишга кенг эътибор қаратилмоқда. Ушбу иқтисодий ислохотлар натижасида бугунги кунда акциядорлик жамиятлари фаолиятида турли ўзгаришлар кузатилмоқда.



1-расм. Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этишнинг афзалликлари¹

Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарувни ташкил этилиши, ўз навбатида, акциядорлик жамиятларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятларининг фаолият самарадорлигини ошириш, акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, инвесторлар учун маълумотлар очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш ва самарали бошқаришда акциядорлар

¹Акрамов С.А. [Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўллари](#). “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №2, март-апрел, 2017 йил.

ролини ошириш каби имкониятларни яратади. Бундай иқтисодий ислохотлар мамлакатимизда келгуси йилларда халқаро молия бозорларида рақобатлаша оладиган акциядорлик жамиятларини ташкил этишга ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга замин яратади. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари акцияларининг бозор баҳоси ҳамда уларнинг инвестицион жозибadorлиги ошади.

Мамлакатимиздаги ҳар бир акциядорлик жамиятининг инвестицион жозибadorлиги юқори даражада бўлиши ва исталган вақтда хорижий инвестицияларни жалб қила оладиган даражага чиқиши лозим. Келгусида бундай акциядорлик жамиятлари сонининг ортиши мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳамда аҳолини иш билан банд қилиш орқали уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим рол ўйнайди. Бошқа томондан қараганда эса, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни мажбуран жалб қилишни ташкил этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилмаган акциядорлик жамиятларини бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга айлантириш бозор иқтисодиёти шароитида акциядорлик жамиятларининг эркин фаолият юритиши ва юксак мақсадларига эришишига тўсқинлик қилади².

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, ўз навбатида корпоратив тузилмаларнинг инвестицион жозибadorлиги дивиденд сиёсатида ҳам намоён бўлиб, акциядорлик жамиятларида фойдани тақсимлаш масаласи корпоратив бошқарув олдидаги жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар бир акциядор киритган улушидан келиб чиққан ҳолда фойданинг тегишли қисмини олишга интилади. Бошқа томондан акциядорлик жамиятининг ҳисобот даврини фойда билан яқунлашини таъминлаган бошқарувчилар ҳам фойданинг маълум бир қисмини мукофот тарзидида олишни хоҳлайди. Шунингдек акциядорлар олдида акциядорлик жамияти фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида эришилган фойдани

² Қурбонов Ж.Ж. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларида давлат иштироки ҳолати ва унинг таҳлили. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 3-сон, июн, 2017 йил.

реинвестициялаш масаласи ҳам туради.

Фойдани тақсимлашда ҳар бир жиҳат инобатга олиниши шарт. Акс ҳолда томонлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви, натижада эса корпоратив низолар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари фойданинг акциядорлар ўртасида тақсимланишида фаолиятни кенгайтириш мақсадида кўшимча ресурслар жалб қилиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиш керак³.

Зеро, фойдани тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилишда акциядорлик жамиятлари бир қатор ташқи ва ички омилларни ҳисобга олиши лозим бўлади. Дивиденд сиёсатини самарали юритилиши акциядорлик жамиятлари, инвесторлар, акциядорлар учун муҳим ҳисобланади, шу билан биргаликда ушбу жараёнда компаниялар томонидан дивиденд тўловларини эълон қилинишига бозорнинг реакциясини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, замонавий акциядорлик жамиятлари агрессив ахборот муҳитида фаолият юритади. Бир компания бозорга кириши билан дарҳол турли ахборотлар майдонида тушади ва ўзи ҳам ахборот манбаига айланади. Компанияларда юзага келаётган маълум бир ўзгаришлар ёки янгиликлар уларнинг акциялари нархига таъсир қилиши мумкин. Дивиденд сиёсати эса компания қиймати ва акциядорларнинг фаровонлигига таъсир этувчи омиллардан биридир. Кўп йиллар давомида тадқиқотчилар ушбу жараёнларга изоҳ топишга ҳаракат қилиб келишмоқда.

Мазкур йўналишдаги аксарият эмпирик тадқиқотлар асосан ривожланган бозорлар (АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқалар)ни ўрганишга бағишланган. Ушбу тадқиқотлар натижасида эълон қилинган мақолаларни ўрганиш натижаларига хулоса қиладиган бўлсак, уларнинг катта қисми дивиденд тўловлари ҳажмининг оширилиши акциялар қийматининг ортишига сабаб бўлишини, тескариси яъни, дивиденд тўловлари ҳажмининг камайиши эса ўз навбатида акциялар қийматининг пасайишига олиб келишини исбот қилишган. Бироқ, ушбу натижаларни

³ С.Элмирзаев. Замонавий корпоратив бошқарув: Дарслик, - Т.: "Иқтисод-молия", 2019. 342-бет.

инкор этувчи тадқиқотлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таъкидлашича, дивиденд тўловлари ҳажмининг ортиши акция қийматининг пасайишига олиб келиб, акциялар қийматининг ошиши эса дивиденд тўловларининг камайиши билан боғлиқ ахборотлар сабабли бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бинобарин, тадқиқотларда дивиденд сиёсати компаниялар раҳбарияти томонидан инвесторларга маълумот юбориш воситаси эканлигини олимлар алоҳида таъкидлайди.

Ривожланаётган молия бозорларидаги ҳолатга назар ташласак, компаниялар томонидан дивиденд тўловларини бозор иштирокчиларига компания ҳақида сигнал беришлилик жиҳатига кам эътибор қаратилишини кузатишимиз мумкин.

Фикримизча, ушбу бозорларда акциядорларнинг бойликларини максимал даражада ошириш учун ҳам компаниялар томонидан дивидендларни тўлаш тўғрисидаги ахборотларга фонд бозорларининг муносабатини ҳисобга олиш лозим, чунки дивиденд тўловларининг ўзгариши ҳақидаги ахборотлар акциялар даромадлилигини сезиларли даражада ўзгаришларига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, пировард натижада, акциядорлар молиявий ҳолатини у ёки бу томонга ўзгартиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Яушев Р.И. Состояние и проблемы управления государственными пакетами акций корпораций// Корпоративное управление в Узбекистане. Материалы научно-практической конференции.–Т.: 2004. С.15.
2. Korporativ boshqaruv. Darslik. Toshkent. 2012-yil
3. Sharifa, R., & Ilyos, T. (2023). Principles of scientific management in management. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 2(16), 1097-1100.

4.Sharifa, R. (2023). DIRECTIONS FOR INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS IN REGIONS. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 2(16), 1088-1092.